O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SAMARQAND VILOYATI
OQDARYO TUMANI
**HOKIMI**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ
ОКДАРЁ ТУМАНИ
**ҲОКИМИ**

54-74

# QAROR

200 8 йил "1" февраля — № 54-7

**Окдарё тумани «Дахбед» массивидаги «Олтин-Чорва-УБА» фермер хужалигига мавжуд чорва молларига ем-хашак экинлари экиб фойдаланиши учун ажратилган 6,4 гектар ерига яна 5,1 гектар ерни кушиб, жами 11,5 гектар сугориб хайдаладиган ердан ажратиб бериш тугрисида.**

Узбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Фермер хужалиги тугрисида»ги конунига, Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 22-августдаги 347-сонли «Тадбиркорлик субъектларни давлат руйхатидан утказиш ва хисобга куйиш тизимини такомиллаштириш тугрисида»ги хамда Узбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23-мартдаги ПК-308-сонли ва Самарканд вилоят хокимининг 2006 йил 25-мартдаги 54-К-сонли карорлари, Кишлок ва сув хужалиги вазирлигининг 2006 йил 28-мартдаги 69-сонли «Шахсий ёрдамчи дехкон ва фермер хужаликларида чорва молларини купайтиришни рагбатлантириш чора-тадбирлари тугрисида»ги буйругига ва Узбекистон Республикаси «Ер кодекси» нинг 53-моддасига асосан хамда «Олтин-Чорва-УБА» фермер хужалиги аъзоларининг 2008 йил 4-январдаги 1-сонли умумий йигилиш карорини, туман хокимлиги хузуридаги ер ажратиш ва (реализация килиш) буйича доимий ишловчи комиссиясининг 2008 йил 24-январдаги хулосасини ва «Олтин-Чорва-УБА» фермер хужалигининг 2008 йил 14-январдаги ёзган аризасини куриб чикиб

## КАРОР КИЛАМАН:

1.Тумандаги «Дахбед» массиви худудидаги «Олтин-Чорва-Уба» фермер хужалиги аъзоларининг мавжуд 37 та шартли бош чорва молларини фермер хужалигини мол-мулки деб хисоблаб, чорва молларига ем-хашак экинларини экиб фойдаланиши учун режалаштирилган 6,4 гектар ерига яна 84-контурдан 5,1 гектар ерни кушиб, чорва молларига ем-хашак экинларини экиб фойдаланиши учун жами 11,5 гектар сугориб хайдаладиган еридан ажратиб бериш тугрисидаги 2008 йил 4-январдаги 1-сонли умумий йигилиш карори тасдиклансин.

2.«Олтин-Чорва-УБА» фермер хужалигини мавжуд 37 та шартли бош чорва моллари учун режалаштирилган 6,4 гектар ерига яна 84-контурдан 5,1 гектар ерни ажратиб, мавжуд чорва молларига ем-хашак экинларини экиб фойдаланиши учун жами 11,5 гектар сугориб хайдаладиган ерни ажратишни максадли деб хисоблаш хакидаги туман хокимлиги хузуридаги ер ажратиш (реализация килиш) буйича доимий ишловчи комиссиясининг 2008 йил 24-январдаги хулосаси тасдиклансин.

3.Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри булими бошлиги (Ж.Рустамов)га «Олтин-Чорва-УБА» фермер хужалигини шартнома шартларини бажарилишини хамда ердан окилона фойдаланишни назорат килиш;

-туман Давлат солик инспекцияси (А.Ахмедов)га «Олтин-Чорва-УБА» фермер хужалигини молиявий фаолияти устидан назорат урнатиш;

-туман статистика булими (З.Эргашев)га «Олтин-Чорва-УБА» фермер хужалигини статистик хисоботларини тугри олиб бориш ва умумлаштириш вазифаси юклатилсин.

-«Олтин-Чорва-УБА» фермер хужалиги раиси (Б.Умаров)га туман Давлат солик идорасига хамда статистика булимларига уз вактида хисобот бериб бориш вазифаси юклатилсин.

4.2008 йил кишлок хужалиги экинларини режалаштиришда «Олтин-Чорва-УБА» фермер хужалигининг мавжуд чорва моллари учун ем-хашак экинлари жойлаштириш инобатга олинсин.

5.Мазкур карорнинг ижросини назорат килиш туман хокимининг биринчи уринбосари Ш.Нарзиев зиммасига юклатилсин.

**Туман хокими:-** **Н.Бердибоев**